

ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Минск. (26 май. ЎзА махсус мухбири Амиркул Карим хабар қилди).

25 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Исро Каримов МДҲга аъзо мамлакатлар давлат бошқаруви ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдаги учрашувида иштирок этиш учун Беларус пойтахти Минскка келди. Минск аэропортида Ўзбекистон Президентини Беларус Президентини А. Лукашенко, Бош вазир М. Чигир, МДХнинг ижрочи котиб И. Коротченя ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. МДҲга аъзо давлатлар байроқлари билан безатилган аэропортда Ўзбекистон Президентини тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Ҳурматли меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Шундан сунг И. Каримов ва унга ҳамроҳлик қилётган мамлакатимиз делегацияси аъзолари ўзлари учун ажратилган қароргоҳга келдилар.

26 май куни МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг кенгаши бошланди. Бу мажлисда давлат раҳбарлари давлатлараро валюта кўмитасини тузиш, МДҲ чегараларини мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграцияни кучайтириш каби масалаларни муҳокама қилдилар.

Айни пайтда бошқа бинода МДҲга аъзо мамлакатлар ҳукумат раҳбарларининг мажлиси бўлиб ўтди. Ҳукуматлар раҳбарлари турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ 20 дан зиёд масалаларни муҳокама этдилар. Қисқа танаффусдан сунг МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кейнаши билан ҳукумат бошқаруви кенгашининг биргаликдаги мажлиси бўлди. Учрашувлар ниҳоятга етгач, журналистлар билан учрашув бўлди. Унда журналистлар учрашув натижалари билан та-



«Шарк суви» ҳисдорлик жамиятида ишлаб чиқариётган янги турдаги махсуотларнинг сони яна бир нечтага кўпайди. Тажриба ҳиссида меҳнат қилаётган чевар тикувчилар ранг-баранг гуллар тасвири туширилган чойлабининг дастлабки намуна нусхасини тикиб бўлишди. Бу ишни амалга оширишда Шойра Номирова ва Матлуба Исоевларнинг алоҳида ҳиссалари бордир.

Рустам Шарипов олган сурат.

Бири-бирдан чиройли, осмонпар уйлاردан ўтиб «Қурувчи» мавзесига кириб бордик. Бу ерда «Тошкентўйи» инвестиция-корпорацияси бинокорлари тер тўкишмоқда. Қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Уларнинг бири юқориги қават-

Меҳнат жамоаларида ХИЗМАТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

«Фарҳод ЮТА» масъулияти чекланган жамиятнинг аъзолари аҳолига маиший хизмат курсатиш борасида тобора изланишлар олиб боришмоқда. Илгари бу қорхона асосан музлатгичларни таъмирлар эди. Яқин кунлардан бошлаб у хизмат турини яна бир нечтага кўпайтирди.

— Инсон учун ҳамма нарса керак. Аммо айримлар кўпроқ электр жиҳозларини тезда ишдан чиқариб қўйиб, мутлақо кераксиз буюмга айлантириб юборишади, — дейди жамият директорининг уринбосари Валерий Турсунов. — Шунинг учун ҳозирги тақчил шароитда изчиллик билан ишламасақ, ҳар қандай буюмларни эҳтиёткорлик билан тутмасак у кераксиз бўлиб қолаверади. Жамоамизда асосан музлатгичлар таъмирланар эди. Меҳнатимиздан қониққан миқозлар ишдан чиққан бошқа хилдаги электр жиҳозларини ҳам таъмирлаб беришни сураб келадиган бўлиб қолишди. Вазирамиз хиз-

Туркистон — умумий уйимиз ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иброҳим Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтида «Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари» мавзусидаги иккинчи илмий-назарий анжумани бўлиб ўтди. Анжуманининг яли мажлисини институт директори, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалолев кириш сузи билан очди ва «Марказий Осиё халқлари илмий-фалсафий фикри — «Туркистон — умумий уйимиз» ҳақиқатининг негизи» мавзусида маъруза қилди. «Мулк ҳуқуқининг шакллари хусусида» Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Хожикабар Раҳмонқуллов маърузаси тингланди.

Шундан сунг фалсафа фанлари, ҳуқуқ фанлари бўйича шўбалар мажлислари бўлиб ўтди. Анжуманда республикада

Пойтахтимиз истиқболи ШАХСИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИГА ЭЪТИБОР

ларда тиклаш ишларини олиб бораётган бўлса, иккинчиси тикланган деворларнинг тешиклари бетон қоршмалари билан тўлдирилмоқда. Учинчиси эса тайёр бетон қоршмаларини юқориги қаватларга кетма-кет етказиб беришмоқда.

— Бу даҳада бинокорлик ишлари бошланганига 5-6 йил бўлди, холос, — дейди биз билан суҳбатда корпорация уй-жой қурилиш бўлимининг бош мутахассиси Владимир Зеленухин. — Шунга қарамадан қурувчиларимиз мавзенинг бир қисмини қуриб битказишга эришди. Ҳозир қуриб битказилган қисмда турар жой бинолари ҳамда маданий-маиший хизмат курсатиш нуқталари тула ишга туширилган. Озиқ-овқат ва санаят махсуотлари билан савдо қиладиган дуконлар, шахсий машиналар қўйиш жойи, мактаб ҳамда мактабга тарбия муассасалари шулар жумласидандир.

Айни пайтда мавзенинг иккинчи ва учинчи қисмида қурилиш ишлари кенг кулабда олиб боришмоқда. Бунда айниқса корпорацияга қарашли йирик ҳажмли-блочки тажриба уй-жойлиги комбинати қурувчиларининг ҳиссаси катта. Чунки улар утган йили мавзеда 3 та яқка тартибдаги уй-жойларни қуриб беришган эди. Комбинат бунёдкорлари бу йил ҳам бу ишни давом эттириб даҳада бир нечта ана шундай уйларида қурилиш-тиклаш ҳамда пардозлаш ишларини олиб боришмоқда. Ма-

Олий ўқув юртларида «ЭНГ НАМУНАЛИЙ ЁТОҚХОНА» КИМНИКИ?

Тошкент Давлат университети бу йил кенг нишонланадиган 75 йиллик тўйига бағишланиб, илм даргоҳида жуда кўп тадбирлар ўтказилмоқда. Йил бошидан оқ бошланган «Энг намуналий ётоқхона» қуриқ-танлови шулардан биридир.

«Ёшлик» талабалар шарҳчасида университетнинг 18 та ётоқхонаси жойлашган. Улардаги ички тартиб-қоидалар, тозаллик ва хона жиҳозларининг сақланиши қуриқ ҳаёти аъзолари — профессор Анвар Юнусов, кимё факультети декани Анвар Зиёев, талабалар қасба уюшмасининг раиси Султон Тошмиевлар томонидан талабачилик билан баҳоланган. Бунда ётоқхона фаоллари, Ёшлар Иттифоқи аъзоларининг фаолияти, турли қизиқарли савол-жавоб кечалари ва шу каби тадбирларни тез-тез уюштириш ҳам ҳисобга олинади. Шу билан бирга талабаларнинг ётоқхоналаридаги яшаш шaroитларини яхшилаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бир неча янги ётоқхоналар қурилатганили, оилали талабалар учун хоналар янада қулайроқ қилиб мослаштирилганлиги ана шулар жумласидандир.

Бобур ЭҒАМОВ.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Суратли ахборот БЎЛҒУСИ ҲУНАРМАНДЛАР КЎРҒАЗМАСИ

шундан сунг фалсафа фанлари, ҳуқуқ фанлари бўйича шўбалар мажлислари бўлиб ўтди. Анжуманда республикада

ота-оналар диққатини шу билим юртларига жалб этишга ҳаракат қилинган. Қўрғазмада савдога қўйилган махсуотларнинг нархи бозор нархларидан анча арзон бўлганлиги учун савдо ниҳоятда қизиқ кетди. Бундан эса ҳар икки томон манфаатдор. Харидор иши битганига ҳурсанд, ҳунар билим юрти эса бу билан қисман бўлса-да моддий-техника базасини тиклаб олади.

Қўрғазмада Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими тизимидаги 437 та ҳунар билим юрти қатнашди. Жумладан пойтахтимиздаги 40 та ҳунар-техника билим юртлари, 3 та республика ўқув ишлари чиқариш марказлари, янги ташкил этилган лицейлар ҳам иштирок этишди. Қўрғазмага билим юр-

Футбол «ОТНИ ҚАМЧИЛАШ» КЕРАКИ

Утган куни мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги стадионларда футбол бўйича республика IV миллий чемпионати уйинларининг 9-тур мусобақалари бўлиб ўтди.

«Пахтакор» ўз майдонидан утган йилги чемпионатнинг кумуш совриндори — Бухоронинг «Нурфашон» командасини қабул қилди. Тенгма-тенг кураш остида утган уйин ниҳоятда шиддатли бўлди. Шунинг таъкидлаш керакики, «Пахтакор» кейинги лойиқларда муҳлислар ихлосини қозона бошлади. Ҳисоб ўйин бошланишидан бироқ олдин севимли жамоанинг бир муҳлиси ўзиг Хоразмдан етиб келганлигининг гувоҳи бўлди. Учрашувни республика тоифасидаги ҳакамлар Александр Пивоваров (Фарғона), Константин Воронин ва Элдор Аҳмадиевлар (Тошкент вилояти) бошқариб боришди. Ҳисоб иккинчи тайининг охирида бўлди, унингнинг 80 дақиқасида пахтакорлар Рустам Дурмоннинг меҳмонлар дарвозасига йўллаган тупи билан очилди. Учрашув шу ҳисоб билан туғаш мумкин эди. Лекин бош ҳакам ҳисоби бўйича учрашув 6 дақиқага қузғилди. Худди шу вақт, янги энг сунгги дақиқада «Нурфашон» ҳужумчиси Юрий Худоевров жавоб тупини киритишга муваффақ бўлди. Ҳисоб — 1:1. Энди «Пахтакор» «отни янада тезроқ қамчилашга» туғри келади, чунки турнир жадаллида иккинчи поғонага чиқиб олган МХСК мавзенин янада мустаҳкамлаб олиши мумкин.

Уша куни бўлиб утган бошқа уйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди.

«Темирўлчи» — «Динамо» — 2:0.
«Сугдiena» — МХСК — 0:1.
«Политотдел» — «Навбахор» — 0:1.
АСК — «Машъал» — 4:2.
«Наврӯз» — «Чирчиқ» — 2:0.
«Янгир» — «Атласчи» — 3:0.
«Трактор» — «Нефтичи» — 1:1.

Бахтиёр ХАЙДАРОВ.

